



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЮРИДИК ФАНЛАР
АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий ҳуқуқий
журнал

ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК

REVIEW OF LAW SCIENCES

МАХСУС СОН
III ҚИСМ



Турсунов Абдухалил. Риэлторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари	134
Tadjibayeva Mahsuda. Discrediting as one of the signs of unfair competition	140
Usmonova Muniskhon. The role of forensic psychiatric examination in invalidating an agreement entered into by a citizen who does not understand the significance of his actions or is unable to control them.....	145

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

Исмоилов Шухрат. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрири: таҳлил ва муносабат	152
Абдуллаева Дилфуза. Некоторые вопросы порядка заключения трудового договора и приема на работу	159
Rakhimov Miryokub. Constitutional and legal status of self-employed citizens in the Republic of Uzbekistan	164

**12.00.06 – Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқи.
Экологик ҳуқуқ**

Кенжаев Рустам. Ўзбекистонда ерларни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари	172
Ражабов Нариман. Экологик тоза маҳсулотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари	178

**12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш.
Адвокатура**

Рузиназаров Шухрат. Суд ҳужжатларининг хусусий ва оммавий ҳуқуқий табиати: рақамли чизгилар ва янги ахборот тизими мўлжаллари	183
Турдалиев Джамшид. Институциональная независимость адвокатуры в Узбекистане: проблемы и пути их решения	191

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология.
Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

Ҳакимов Комил. Аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг криминологик тавсифи ва жиноятчи шахсининг ўзига хослиги.....	207
Toshimov Umidjon. Political economy of punishment revisited: why is it necessary to study political economy of punishment?	217
Каракетова Дилноза. Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган безорилик учун жавобгарлик.....	226
Turabaeva Ziyoda. Prevention and prophylaxis of youth delinquency and peculiarities of imposing punishments on minors	232

UDC: 342.4 (042)(575.1)

Ражабов Нариман

Тошкент давлат юридик университети доценти,
юридик фанлар номзоди
E-mail: n.rajabov@tsul.uz

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари, давлат органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш вазифалари хусусида илмий мушоҳада юритилган. Конституция билан тартибга солиниши лозим бўлган муҳим омиллар, яъни жамият билан табиат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, экологик сертификатлаштириш бўйича қонунчиликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда уни такомиллаштиришга оид масалалар ҳуқуқий, илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Муаллиф томонидан экологик тоза маҳсулотга оид талаблар хорижий тажриба мисолида ўрганилган ва бу борада муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** қулай атроф табиий муҳит, табиатни муҳофаза қилиш, экологик меъёр, экологик меъёрлаш, экологик сертификат, экологик сертификатлаштириш.*

Ражабов Нариман

кандидат юридических наук,
доцент Ташкентского государственного юридического университета

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВАЯ ОСНОВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВА НА ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТУЮ ПРОДУКЦИЮ

***Аннотация.** В данной статье анализируются вопросы обеспечения права граждан на благоприятную окружающую природную среду, их обязанности бережного отношения к окружающей среде, обеспечения охраны окружающей среды и рационального использования природных ресурсов государственными органами, также вопросы правового регулирования общественных отношений между обществом и природой, дальнейшего совершенствования системы экологической сертификации, а также перспективы его развития. При этом особое внимание уделено такому важному вопросу, как особенности и этапы развития системы экологической сертификации. Автор анализирует национальную и международную научную литературу, а также опыт развитых стран в сфере экологической сертификации. Данный вопрос рассматривается в правовом, теоретико-научном аспекте, авторские предложения обосновываются.*

***Ключевые слова:** благоприятная окружающая природная среда, охрана природы, экологический норматив, экологическое нормирование, экологический сертификат, экологическая сертификация.*

Nariman Rajabov

Docent of Tashkent State University of Law, Candidate of Law

CONSTITUTIONAL AND LEGAL BASIS OF ENSURING THE RIGHT TO ENVIRONMENTALLY FRIENDLY PRODUCTS

Abstract. *This article analyzes the issues of ensuring citizens' rights to a favorable natural environment, their respect for the environment, ensuring the environmental protection and rational use of natural resources by state bodies, further improving the environmental certification system and the prospects for its development. At the same time, special attention is paid to such an important issue as the features and stages of development of the environmental certification system. The author analyzes the national and international scientific literature, as well as the experience of developed countries in the field of environmental certification. This issue is considered in a legal, theoretical and scientific aspect, and the author's proposals are substantiated.*

Keywords: *favorable natural environment, nature protection, ecological standard, ecological regulation, ecological certificate, ecological certification.*

Конституцияда нафақат давлат-жамият-шахс муносабатларини белгиловчи энг умумий қоидалар баён қилинган, балки атроф-муҳит муҳофаза-си, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва инсон ҳуқуқлари, айниқса, экологик ҳуқуқларни таъминлашга оид нормалар мустаҳкамланган. Албатта, конституциявий асосда тартибга солинадиган муносабатлар орасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари, уларнинг атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари, давлат органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш вазифалари Бош қонунимиз билан тартибга солиниши лозим бўлган муҳим ижтимоий муносабатлардан бири эканига шубҳа йўқ. Албатта, фуқароларнинг бу ҳуқуқи замирида уларнинг табиатни ҳамда атроф-муҳитни сақлаш, табиат бойликларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти ҳам бир вақтнинг ўзида намоён бўлиши шубҳасиз.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқлик табиатнинг умумий қонуниятларига мос ҳолда, ўзаро тенг мувозанатда бўлишни тақозо этади. Акс ҳолда турли салбий оқибатлар келиб чиқиб, ер юзидаги барча тирик мавжудот ҳаётига хавф пайдо бўлади. Шу сабабдан Конституцияда табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдала-

ниш, инсон экологик хавфсизлигини таъминлаш лозимлиги алоҳида белгиланган.

Конституция нормаларини татбиқ қилиш асосида амалдаги мавжуд экологик қонунчилик инсон манфаатларига тааллуқли, яъни инсон саломатлигига дахлдор бўлган масалаларни ўз ичига олган нормалар билан мустаҳкамланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари таъминланишига интилиш мажбурияти белгиланган. Бундан ташқари, Конституциянинг 37-моддасида фуқаролар адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга экани баён этилган [1]. Бу мақсадга эришиш фуқароларга қулай табиий атроф-муҳит яратиб беришни ҳам тақозо этади. Фуқаролар нормал ва соғлом ҳаёт кечиришлари, соғлом турмуш тарзига эга бўлишлари, меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун уларни ўраб турган атроф табиий муҳит – ўрмонлар, атмосфера ҳавоси, сув, ўсимлик дунёси, тупроқ ва экологик қийматга эга бошқа моддиятлар тоза ҳамда инсон соғлиғига зарарли таъсир этмайдиган ҳолатда бўлиши лозим.

Умуман олганда, Конституция давлатнинг асосий қонуни ўлароқ, экологик қонунчиликнинг вужудга келиши, яъни шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашувида юридик база сифатида экологик муносабатларни тартибга солишда асосий роль ўйнайди. Бундан ташқари, конституциявий қоидалар унинг институтларини шакллантиради, ижтимоий муносабатлар доирасини белгилаб

беради, ушбу муносабатлар асосини мустаҳкамлайди ва тартибга солади. Шунинг учун конституцион нормалар экология ҳуқуқи билан тартибга солинадиган предмет соҳасини аниқлаш жараёнида таркибий ва ташкилий хусусиятга эга бўлган ҳал қилувчи ролга эга эканини эътироф этишимиз жоиз.

Аваллари табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги нормалари моҳиятида инсон манфаатлари давлат ҳамда унинг органлари манфаатлари асосида, унга бўйсунган ҳолда таъминланиши каби принцип устувор бўлган. Ушбу аснода табиат бойликларидан фойдаланиш муҳим жиҳат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш эса кейинги ўринларда ҳал қилиниши лозим бўлган масала сифатида эътироф этилган. Бунда фуқаролар соғлиғи ва ҳаёти иккинчи даражали масала бўлиб келган, уларнинг қулай атроф табиий муҳитда яшашга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга ҳам энг сўнгги даражадаги масала сифатида қаралган.

Ҳозир атроф табиий муҳитни муҳофаза этишга бағишланган конституцион нормаларнинг барча қоидалари амалдаги қонунлар билан тўла ва ҳар томонлама ривожлантирилган, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни 12-моддасида аҳолининг ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат бирлашмаларига бирлашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чоратadbирларга оид ахборотларни талаб қилиш ҳамда олиш каби ҳуқуқлари кафолатланган [2].

Мамлакатимизда экология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган мутахассисларнинг эътирофича, инсон экологик ҳуқуқларининг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, уларнинг амал қилиши пировард натижада кишиларнинг моддий аҳволи янада яхшиланишига ва саломатлигига хизмат қилади. Экологик ҳуқуқлари таъминланган кишилар моддий чиқимларсиз яшаши ва “кам харажатли” атроф-муҳит сифатига эга бўлишлари мумкин [4].

Шунингдек, БМТнинг Ахборотлардан фойдаланиш, атроф-муҳитга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида, суд ишларида жамоатчиликнинг қатнашиши ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Орхус конвенцияси

(1998 йил) муқаддимасида ҳар бир инсон соғлиғи ва фаровонлиги учун қулай бўлган атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқига эга экани эътироф этилган. Президентимиз томонидан имзоланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясига [7] мувофиқ, атроф табиий муҳит ҳолатининг сифатини яхшилаш мақсадида 2030 йилга қадар амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ичида глобал экологик муаммоларни ҳал этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва республиканинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши соҳасида Ўзбекистон Республикасининг Орхус конвенциясига қўшилиши мақсадга мувофиқлигини ўрганиш лозимлиги қайд этилган. Бу эса, ўз навбатида, инсоннинг ўз саломатлиги ва фаровонлиги учун қулай атроф-муҳитга эга бўлиш, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг ахборот олиш, иштирок этиш ва одил судловга эришиш ҳуқуқини таъминлаш тизимини такомиллаштириш имкониятини яратади.

Хорижий мутахассислардан профессор М.М. Бринчукинсон экологик ҳуқуқларини ҳуқуқий тартибга солиш даражасига қараб иккига, яъни асосий ва бошқа ҳуқуқларга ажратади. Уларга, жумладан, асосий ҳуқуқларга ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи, атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи, атроф-муҳитнинг салбий таъсири натижасида фуқароларнинг соғлиғига ёки мулкига етказилган зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқ, тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқ, соғлиққа бўлган ҳуқуқ қабилар киради [5].

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда биз қўшимча равишда инсонларнинг **экологик тоза маҳсулотга эга бўлиш ҳуқуқини** ҳам асосий ҳуқуқлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаймиз. Зотан, ҳозир инсонларнинг табиатдан моддий ва бошқа истеъмол ашёлари сифатида фойдаланиши кўлами кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, экологик тоза маҳсулот тушунчаси юридик адабиётларда турлича талқин қилинган. Мисол учун, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан нашр этилган, кўплаб экологик атамаларни ўз ичига олган “Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғат”да ёзилишича, **экологик тоза маҳ-**

сулот – тегишли экологик сертификатда белгилаб қўйилган талаб ва шартларига тўла-тўқис жавоб берадиган маҳсулотдир [6]. Инсонларнинг экологик тоза маҳсулотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш экологик нормативларни ўрнатиш, экологик стандартлаштириш ва сертификатлаштириш орқали амалга оширилади.

Экологик сертификатлаштириш мамлакатимизда янги жараёндир. Маҳсулот ва хизмат (иш) сифатига амалдаги қонунларда ҳамда ўрнатилган давлат стандартларида истемолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган талаблар белгиланади ва истемолчиларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига нисбатан мажбурий экологик сертификатлаштириш ўтказилади. Ушбу сертификатлаштиришнинг асоси эса экологик меъёр, яъни норматив ҳисобланади. Ваколатли давлат органларининг атроф табиий муҳитга йўл қўйиладиган даражада таъсир кўрсатишнинг меъёрларини ўрнатиш, белгилаш ёки тасдиқлаш фаолияти муҳим ҳисобланиб, уларни ўрнатишда инсон саломатлиги, келажақда бўлиши мумкин бўлган зарарли оқибатлар, барча омиларнинг инсонларга ҳамда атроф-муҳитга кумулятив (заҳарли моддаларнинг организмда тўпланиб кучли таъсир қилиши) таъсири каби мезонлар эътиборга олинади.

Қолаверса, экологик сертификатлаштиришнинг мақсади экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф табиий муҳит объектларини ифлосланишдан ва камайиб кетишдан муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашдир ва у атроф-муҳитни муҳофаза қилиш механизмларидан биридир. Бундай сертификатлаштириш фуқароларнинг тоза экологик маҳсулотларга эга бўлиш ҳуқуқини амалга оширишнинг алоҳида қафолатидир.

Агар экологик сертификатлаштириш тизимини ривожлантириш масаласи ҳал қилинадиган бўлса, пировардида бир мунча ижобий масалалар ҳал бўлади. Жумладан, ички истеъмол бозорида экологик хавфли маҳсулот, иш (хизмат)лар пайдо бўлишининг олди олинади, экологик жиҳатдан хавфсиз ускуна, технология ва жараёнлар татбиқ қилинишига замин яратилади, мамлакатимизга экологик хавфли маҳсулот, технология, иш (хизмат), чиқиндилар импортига чек қўйилади, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг халқаро бозорга инеграциялашуви жараёни юз беради.

Қайд этиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ихтиёрий экологик маркировкалаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, экологик маркировкалаш тартиботидан ўтмасдан ва маҳсулотни экологик хавфсизлик белгиси билан маркировкалашга сертификат мавжуд бўлмаганда товар, маҳсулотнинг тавсифида ва номланишида, тенг равишда рекламада экологик хавфсизлик белгисидан фойдаланиш, маҳсулотнинг экологик хавфсизлигига тегишли бирон-бир хоссаларини кўрсатиш, шунингдек, “экологик тоза”, “экологик хавфсиз”, “экологик қулай” деган ёзувлардан фойдаланиш тақиқланади [4].

Хориж тажрибасига эътибор қаратсак, Европа давлатларида экологик сертификатлаштириш жуда кенг ривожланган бўлиб, унда, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мажбурий экологик сертификациялаштириш азалдан жорий этилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Уларда маҳсулотларга қўйилган экологик белгилар ва улар тўғрисида маълумотлар матбуотда эълон қилинади, экологик белгилар эса миллий мувофиқлик белгисини тўлдириб турувчи мезон сифатида эътироф этилади.

Мазкур масалалар юзасидан ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Булар инсон ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлган маҳсулотнинг экологик кўрсаткичлари, истеъмол жараёнида унинг атроф-муҳитга зарарли таъсири даражасини аниқлаш каби масалалардир. Бунда маҳсулотни сақлаш, ташиш ва эксплуатация (истеъмол қилиш) қилишда атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли моддаларнинг таркиби (тўйинганлик даражаси, миқдори), уни атроф-муҳитга чиқариш, ташлаш юз бериши эҳтимоли ҳамда маҳсулот инсон учун зарарли даражада таъсир қилувчи шовқин ва тебранишни вужудга келтириши ва бошқа муаммоларни ҳал этишда қонунчиликдаги камчиликлар ва айрим ноаниқликларни кўрсатиш мумкин.

Шу сабабдан атроф табиий муҳитни мукамал муҳофаза қилиш мақсадида экологик меъёрлашга оид қонунчилик нормаларини қайтадан ишлаб чиқиш, айниқса, янги қабул қилинаётган Экология кодексида ушбу нормаларнинг мустаҳкамланиши, қолаверса, Конституцияда белгиланган экологик тоза маҳсулотга эга бўлиш ҳуқуқи таъминланиши масалаларини бугунги бозор иқтисо-

диёти муносабатлари талабларидан келиб чиқиб аниқ белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бу эса, ўз навбатида, бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий чораларни амалга оширишни тақозо этади. Жумладан, истеъмолчилар ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларининг сифати тўғрисида маълумот олишлари учун кенг имкониятларни яратиш, жамоатчиликнинг ушбу соҳада экологик экспертизани ўтказишда иштирок этишини таъминлаш лозим. Экологик жиҳатдан тоза ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган тадбиркорлик субъектларига

имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминлаш ҳам ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Қолаверса, бу масалалар 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида ҳам назарда тутилган. Яъни экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларда устувор даражада фойдаланиш каби чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларни ихтиёрий экологик маркировкалаш тартиби тўғрисидаги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 09/19/435/3203-сон.
4. Мамаюсупов М.Н. Инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмлари. Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Й.О. Жўраев. – Т.: ЖИДУ, 2012. – 33 б.
5. Бринчук М.М. Экологическое право (Право окружающей среды): Учебн. для высших юридических учебных заведений. – М.: Юристь, 1998. – С. 94.
6. Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғат. Б. Алихонов, С. Самойлов, Р. Ибрагимов. – Т.: Chinor ENK, 2004. – 304 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 06/19/5863/3979-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон.